



**МОДДИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ
ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНГАН АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР
ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

Халилов Шохрух Мирзо

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходими
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7152964>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 03rd October 2022

Online: 06th October 2022

KEY WORDS

талон-торож, моддий-маданий мерос, тарихий, илмий бадиий, маданий қиймат, дифференциация, имплементация.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, тарихий даврлардан мерос қолган моддий-маданий мерослари мавжуд бўлиб, мазкур предметлар ҳозирги авлод учун жуда қадрли ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, ўтказилган текширишларда республика бўйича 14 та музейда 3 мингдан зиёд нодир ва ноёб маданий бойликлар талон-торож қилингани қайд этилди. Жумладан, Бухоро давлат музейида жами 31,5 миллиард сўмлик 81 та маданий бойликлар қалбакиларига алмаштириб қўйилгани аниқланган. “Ичан-Қалъа” давлат музей фондида жами 101 та музей ашёлари аслига тўғри келмаслиги маълум бўлди. Ушбу келтирилган рақамлар ҳавотирли бўлиб, мазкур предметларнинг авлоддан-авлодга етказиш учун уларнинг муҳофаза қилишнинг жинойт-ҳуқуқий механизмларини

ABSTRACT

Мақолада моддий-маданий мерос объектларини талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган МДҲга аъзо давлатлар жиноят қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинган бўлиб, таҳлиллар натижасида миллий жиноят қонунчилигида тарихий, маданий, санъат ёхуд илмий қимматга эга предметларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун жинойт жавобгарликни дифференциация қилиб, алоҳида нормада жавобгарлик белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг “Мулкка қарши жиноятлар” номли 21-бобида жойлашган 164-моддада алоҳида қийматга эга предметларни талон-торож қилиш учун жинойт жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг биринчи қисми диспозициясида “алоҳида тарихий, илмий, тасвирий ёки маданий қийматга эга ҳужжат ёки предметларни талон-торож қилиш усулидан қатъий назар эгаллаш” белгиланган бўлиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган. Модданинг иккинчи қисмида қуйидагилар қилмиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида:



“уюшган гуруҳ ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса”;

“модданинг биринчи қисмида назарда тутилган предмет ёки ҳужжатларни нобуд қилишга ёки зарар етказилишига сабаб бўлса” назарда тутилган бўлиб, санкцияда ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Таъкидлаш жоизки, мазкур тоифадаги предметларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун ўзганинг мулкани талон-торож қилишга нисбатан оғирроқ жазо тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Модда биринчи қисм диспозициясида кўрсатилаган предметларни ҳар қандай усулда эгаллаш мазкур модда билан квалификация қилиниб, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган модда билан квалификация қилиш шарт бўлмайди.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг “Мулкка қарши жиноятлар” номли олтинчи бўлими 193-моддасида “Алоҳида қийматга эга предметларни талон-торож қилиш” учун жавобгарлик мустақил моддада жавобгарлик белгиланган. Бу эса, мазкур турдаги предметларни жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси, ўзганинг мулканинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазасидан дифференциация қилинган. Модданинг биринчи қисми диспозицияси юқорида таҳлил қилинган Россия Федерацияси жиноят кодекси билан ўхшаш бўлиб, жиноят предмети этиб алоҳида тарихий, илмий, тасвирий ёки маданий қийматга эга ҳужжат ёки предметлар белгиланган. Кузатишимиз мумкинки, модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида бир гуруҳ шахслар

томонидан олдиндан тил бириктириш ва уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши дифференциация қилинган. Мазкур қилмиш учун модданинг учинчи қисми санкциясида ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 183-моддасида Алоҳида қимматга эга бўлган предметларни талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик алоҳида нормада назарда тутилган бўлиб, модда диспозицияси юқорида таҳлил этилган давлатларники каби шакллантирилган яъни, тарихий, илмий, бадиий ёки маданий қимматга эга ҳужжат ёки предметларни эгалланиш усулидан қатъий назар талон-торож қилиш. Мазкур модданинг биринчи қисмини содир этганлик учун алтернатив жазолар назарда тутилмасдан фақатгина беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни: бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши, бир неча бор содир этилиши, мазкур предметлар ёки ҳужжатларни нобуд қилиш ёки йўқ бўлишига олиб келиниши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида белгиланган. Моддада тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп миқдори ўн беш йил этиб белгиланган.

Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг “Мулкка қарши жиноятлар номли” 21 бобининг 180-моддасида



Алоҳида қийматга эга предметларни талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Модда биринчи қисми диспозициясига эътибор қаратсак, юқорида таҳлил этилган давлатлардан фарқли жиҳати, диспозициясида “талон-торож усулидан қатъий назар” белгиси кўрсатилмаган ва мазкур предметларни босқинчилик ёки товламачилик йўли билан эгаллаш учун модданинг учинчи қисмида жавобгарлик дифференциация қилиниб, етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Яна бир фарқли жиҳати, модда биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган қилмишларни уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилишига нисбатан ижтимоий хавфли эканлиги инобатга олиниб, уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик оғирлаштирилган.

Грузия Республикаси Жиноят кодексининг 183-моддасида тарихий, маданий, илмий ёки миллий қимматга эга буюмлар ёки ҳужжатларни ўзлаштириш мақсадида эгаллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Эътиборли жиҳати, бошқа давлатларнинг алоҳида қимматга эга предметларни талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган нормаларидан фарқли равишда, мазкур предметларни талон-торож қилиш жумласи эмас, ўзлаштириш мақсадида эгаллаш тушунчаси ишлатилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қилмиш учун тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддати ўн икки йилдан ўн беш йилгача этиб белгиланган.

Тарихий, маданий, санъат, илм-фан ёхуд миллий қийматга эга предметларни бошқа мол-мулк билан бир хилда муҳофаза қилинмаслиги зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўз ифодасини топган. Масалан, ўзганинг мулкани қасддан нобуд қилиш учун ЖК 173-моддасида жавобгарлик белгиланган бўлса-да, “Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш” учун ЖКнинг 132-моддаси билан алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Юқорида таҳлил этилган давлатларнинг жиноят қонунчилигида алоҳида қимматга эга бўлган предметлар ёки ҳужжатлар учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланганлигини ижобий хорижий тажриба сифатида баҳолаб, миллий жиноят қонунчилигига имплементация қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Алоҳида тарихий, илмий, бадий, маданий қимматга эга бўлган предметлар ёки ҳужжатларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун алоҳида нормада жавобгарлик белгилаш ва мазкур норма санкцияларини ўзганинг мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ нормаларга нисбатан оғирроқ қилиб белгилаш келгусида мазкур тоифадаги предметларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқоридагиларга асосан, Жиноят кодексини қуйидаги мазмундаги янги “Алоҳида қимматга эга предмет ёки ҳужжатларни қонунга хилоф эгаллаш” номли 1691-модда билан тўлдириш таклиф этилади:



“1691 -модда. Алоҳида қимматга эга предметларни қонунга хилоф равишда эгаллаш

Алоҳида тарихий, маданий, санъат ёхуд илмий қимматга эга предметларни ва ҳужжатларни қонунга хилоф равишда эгаллаш,

– уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

д) алоҳида тарихий, маданий, санъат, илм-фан ёхуд миллий қийматга эга предметларни ва ҳужжатлар шикастланишига сабаб бўлса,

– беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) босқинчилик ёки товламачилик йўли билан;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан;

г) алоҳида тарихий, маданий, санъат ёхуд илмий қийматга эга предметларни ва ҳужжатларни йўқотилишига сабаб бўлса,

– ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.